

## Амалиннга қайт!

05:00 / 11.03.2017 2955

Аҳмад ибн Урва мансабдан четлатилгани учун Маъмуннинг ҳузурида турарди. Маъмун унга: “Юртни хароб қилдинг, қулларни ўлдирдинг. Сенга нисбатан қаттиқ жазо чорасини қўллайман” деб дағдаға қилди. Бу гапларни эшитган Аҳмад: “Эй мўминлар амири, Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳларингиз билан турганингизда, У зот сизга қандай муомала қилишини хоҳлардингиз?” деб сўради. “Кечирини хоҳлардим” деб жавоб берди Маъмун.

Аҳмад ибн Урва: “Мен бир қулингизман. Қулингизга ҳам Аллоҳ сизга қандай муомала қилишини истасангиз, шундай муомала қилинг, илтимос!” деди. Шунда Маъмун: “Яхши, кечирдим. Амалиннга қайт! Янги волийдан кўра ялиниб-ёлвориб, кўнглимни юмшатадиган волий яхшироқ” деди.

Ҳоний Ҳожининг “Солиҳлар ҳаётидан минг бир қисса”

китобидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси